

Ошкор ва яширин гуноҳдан сақланинг!



16:42 / 05.09.2017 5914

Қалбни поклашдан ғофил ҳолда соф Ислом бутун гуноҳлардан фориғ қилади деб тушуниш ақлданми?! Исломни лозим тутган мусулмон кишининг аъзолари кичик гуноҳларни қилсалар-да, катта гуноҳдан тийилишига замон гувоҳдир. Мусулмонлар маст қилувчи ичимлик ичмайди, зино қилмайди, қимор ўйнамайди ва ҳаттоки, чекмайди ҳам. Лекин уларнинг қалбларида кечадигани бошқа нарсалардир.

Улардан кўпчилиги қалбида соф – мусаффо раббоний тарбияни афзал кўришини инсоф билан эътироф қиламиз.

Аъзолар амалига қодир ҳолда қалб уйига эътиборсиз бўладиганлар ҳам оз эмас. Шу каби (Исломга) даъват, биродарлик ва яхши ахлоқ ҳақидаги кўп сўзлар аъзоларда гуноҳ хатарини уйғотадиган нафсдаги маъсиятлар ва қалб касалликларидан бўлган риё, ғазаб, нафрат билан ёнма-ён туради. Масалан, зинокор тошбўрон қилинса, кечиради. Аммо гуноҳкор қалб соҳиби фақат дўзахда қарор топади, гарчи унинг зоҳирий амали сизни ажаблантирса ва бошлиқларнинг мулозимлари атрофидаги тушунарсиз гаплари сизни мафтун этса-да.

Албатта, Аллоҳ таоло бизни гуноҳларни тарк этишга буюрди. Бу гуноҳлар зоҳирий (қўл, тил, фарж ва бошқа аъзолар билан) қилинадими, яширин

(ҳасад, кибр, ужб (ўзидан ажабланиш) билан) қилинадими – баробардир. Аллоҳнинг назари тушадиган қалбни тўғриламай, зоҳиран тўғрилаш фойда бермайди.

«Албатта, Аллоҳ сизларнинг суратларингиз ва жасадларингизга қарамайди ва лекин қалбларингиз қилган нарсага қарайди».

(Муслим ривояти).

Яъни аниқ бўлган гуноҳ амаллар ботиний бўлгандир. Даъват йўлида юривчилар тажриба қилиб қалб касалликлари шайтоннинг ўқиға боғланган занжир эканлигини билдилар. Фикҳий фикрга муҳолиф бўлиш учун қалбларидаги ёмонликлардан ғазаб-нафрат тарқатган ҳолда дунёдаги сафларда тасбеҳни ишлатган қанчасига бидъат этибори билан қараш зоҳир бўлди. Бироқ кибор уламолар, даъватчилар ва солиҳларнинг гапига кўра уларни шубҳалар ўраб олган. Фикри тор, шаръий илми кам бўлгани учун шубҳаларни тақсим қилолмайди. Шайтон унга даъватда муҳаббат бўлишини унуттиради. Ўз гумонлари билан қалбларида ғазаб қайнайдиганларга ғалабага эришиш учун ўрин йўқдир. Аллоҳнинг раҳматига, шафқатига ва муҳаббатига йўлиқиш учун қалбини поклашда Аллоҳ билан шартлашиб ғалаба қозонади. Зоҳирини тўғрилаб ,мағрурлигини сақлайдиган иблиснинг ёмонлиги бўлган иш амалга ошмайди. Кўпинча у (шайтон) оқибати ёмон хотима бўлган қалбнинг ҳалокатига ташлайди.

Бу даъватдаги асосий унсур инсондир. Инсондаги асосий унсур қалбдир. Бу даъват фақатгина «Аллоҳга соғлом қалб билан келганлар»га ва «очиқ қалб билан келганлар»гагина ёрдам беради. Ким ҳақиқий ийманий тарбияси етарли бўлмаган даъватчиларнинг ҳолига назар солса, уларнинг турли шакл ва кўринишларда зоҳирга чиқиб қолганини кўради. Масалан, Аллоҳ учун ёмон кўриш ёки яхши кўришда ҳаддан ошиш биродарликнинг маъносини ўзгартириб, уни муайян томон – ўзи мансуб бўлган жамоа, партия, сиёсий ҳаракатлар доирасидагина чеклаб қўйиш, шахслар ва ташкилотларга таассуб қилиш, «ҳали дунё кўрмаган ўзгача олам», «Ундан бошқа ҳамма нарса ботил бўлган мазҳаб»ни даъво қилиш шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси нафсни тўғрилашга беъэтибор бўлиб, уни ўзгартирмай, мункар ишлардан қайтармай ва Қуръону суннатга эргаштирмай ташлаб қўйишдан келиб чиққан муқаррар натижадир. Бу инсонни залолатга бошлайдиган шайтоннинг йўлидир. Чунки у очиқ маъсият томондан келмайди. Шайтон уни ботилни фақат зоҳири билан, муҳкам ва муташобих ҳукмларда ихтилоф қилиш билан машғул қилади.

Кейин унинг атрофида тўпланган жамоатнинг турли фирқаларга ажралишига сабаб бўлади.

Албатта, бу даъватнинг асосий унсури инсондир. Инсондаги асосий унсур эса қалбдир. Бу даъват фақат «... **Аллоҳ ҳузурига саломат қалб ила келса**» (“Шуаро” сураси 89-оят) ва «...**қайтувчи қалб ила келган**»гадир (“Қоф” сураси 33-оят).

Бундай қалб эгасининг тана аъзолари, ботини ҳам, зоҳири ҳам бир хил уйғунликда, фақат Аллоҳнинг тоатиغا юради. Аллоҳ уни саъй-ҳаракатига баракот беради, натижада одамларга динни яхши кўрсатадиган, ўрناق бўладиган солиҳ кишига ҳамда одамларнинг муҳаббатини жалб қиладиган кишига айланади. Чунки уларнинг даъват қуроли яхши сўз бўлади.

«Одамларга яхши гаплар айтинг» (“Бақара” сураси 83-оят).

Улар яхшилик қиладилар «... **ҳамда яхшилик қилинглари, шоядки, нажот топсангиз**» (“Ҳаж” сураси 77-оят).

Тўғри бўлишга чақирадилар. «**Имконим борича фақат ислоҳ қилишни истайман**» (“Ҳуд” сураси 88-оят).

Аммо кимки қалбини мувоҳиш ишларни тарк қилиш билан мақтанадиган касалликлардан сақламай туриб даъватчилар гуруҳига аралашса, унинг нафси гуноҳи кабираларга фарқ бўлади. Бу одам худди ёмғирдан қочиб дўлга тугилган кишига ўхшайди. У даъватчилар сафи орасида ўзининг жоҳиллиги, ўзига бино қўйганлиги сабаб ваҳн ва ҳасрат-надоматга тушиб қолади. Даъватчи аввало нафсини тарбиялашдан бошлаши яхшидир. Гоҳида мусулмонлар ҳам мағлубиятга учрайдилар худди «хунайн» жангида бўлгани каби. «**Хунайн кунда ҳам. Ўшанда сизни кўплигингиз ажаблантирган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва ер кенг бўла туриб, сизга торлик қилиб қолди. Сўнгра ортга қараб қочдингиз**» (“Тавба” сураси 25-оят).

Мўъмин кишига Аллоҳнинг йўлига одамларни чақиритишда ўрналиқ вожиб бўлади. Одамлардан бошида айб-хатоларини беркитиб яширади. У бошида қилган хато-айбларини яшириб зоҳири ва ботинини ҳаётининг охиригача ислоҳ қилишда истиқоматда туради. У истиффорда бўлиб тавба қилар экан, Аллоҳ унинг бошида қилган гуноҳларини кечиради.

Ҳумайро тайёрлади